Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 5 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 96 (7395)

Da'vat

Сени ҳурмат қилишларини истасанг, ўзингни ҳурмат қил.

Бальтасар ГРАСИАН

Ibrat

Учқўрғон туманидаги Қайқи қишлоғида янги касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1 миллиард сўм маблағ сарфланиб, жаҳон андозаларига мос ҳолда бунёд этилган мазкур билим даргоҳида маиший хизмат йўналишида мутахассислар тайёрланади.

МДҲ: ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ МУҚОБИЛИ ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29-30 ноябрь кунлари Москва шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг саммитида қатнашди

Бу саммит Ҳамдўстлик тузилганининг ўн йиллиги муносабати билан ташкил этилди. Шу боис ўтган даврда юз берган ўзгаришларни сарҳисоб қилиш, бугунги вазиятни идрок этиш ва истиқболни белгилаш масалалари музокараларнинг марказий мавзуи бўлди.

Ислом Каримов МДҲни тузишдан кўзланган мақсад бошқа бўлганию унга аъзо бўлган айрим давлатларнинг амалдаги интилишлари ўзгачароқ тус олганини кўп айтган. Бу гал ҳам Юртбошимиз саммитга жўнаш арафасида Тошкентда, кейин Москвада ана шундай фикрларини такроран баён этди ва иқтисодий алоқалар ривожлантирилмас экан, бошқа соҳалардаги ҳамкорлик оқсаб қолиши тайинлиги, зеро ҳар қандай шериклик аввало моддий манфаатдорликка асосланишини таъкидлади. Айни пайтда савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш орқали бошқа турдаги ҳамкорликни кенгайтириш мумкинлигини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари неча бор таъкидлаганидек, мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар қай йўсинда, қандай сабаблар билан қарор топганидан қатъи назар, бу муносабатларнинг асосини иқтисодий омиллар ташкил этади. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, бирор хатти-ҳаракат бежиз бўлмайди. Ҳар бир воқеа-ҳодисанинг замирида иқтисодий манфаат ётади. Бундай истак ҳар бир мамлакатда бўлиши тайин, демак, давлатлар раҳбарларининг вазифаси - самарали музокара ўтказиб, ўзаро фойда берадиган келишувларга эришиш.

МДҲнинг ўн йиллик тарихини кўз олдидан ўтказган киши бундай фойдали ўзгаришлар кўп бўлганини, Ҳамдўстлик ўн йил аввал ҳам, ҳозир ҳам кераклигини тан олади. Собиқ иттифоқ парчалангач, мустақил давлатлар юзага келди. Лекин сиёсий эркинлик бўлгани ҳолда, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш қийин эди. Чунки ҳар бир республиканинг иқтисодиёти бошқасиники билан боғланган, мамлакатларимиз иқтисодиёти бир-бирини тўлдирарди. МДҲ бу ришталар СССР билан бирга парчаланишига йўл қўймади. Шу билан бирга, Ҳамдўстлик туфайли шўролар давлати уруш-жанжалларсиз парчаланди.

Ҳамдўстлик ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. У ёнатрофдаги воқеаларга муносабат билдиришда яқдиллик кўрсатиш, хусусан, террор, наркобизнес, уюшган жиноятчилик, экстремизм каби балоларга қарши туришда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жипслаштиришда муҳим.

Москва саммити қатнашчилари Афғонистондаги воқеалар тўғрисида баёнот қабул қилди. Ҳужжатда аксилтеррор операцияси ижобий баҳоланиб, унинг натижасида дунёвий террорнинг инфратузилмасига қаттиқ зарба берилгани ва минтақавий ҳамда дунёвий хавфсизликни янада мустаҳкамлашга йўл очилгани қайд этилган. Шу билан бирга, толиблар ҳукмронлиги тугатилганидан кейин Афғонистон тақдирини афғон халқининг ўзи белгилаши, мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ишлари БМТ раҳнамолигида амалга оширилиши қўллаб-қувватланади. Шундай қилиб, Москвадаги баёнот орқали бир неча мамлакатни бирлаштирган улкан тузилманинг яқдил фикри намойиш этилди ва Ҳамдўстлик сафи мустаҳкам, аъзо давлатлар талай халқаро масалаларга муносабатларда муштарак эканлиги тасдиқланди.

Давлатлар раҳбарлари имзоланган бошқа баёнот - Ҳамдўстлик тузилганининг ўн йиллиги муносабати билан қабул қилинган ҳужжат ҳам ғоят муҳимдир. У амалда МДҲ истиқболининг йўналишларини белгилаб берди, дейиш мумкин. Баёнотда ўн йил ичида ўйланган, режалаштирилган ҳамма тадбирлар ҳам амалга ошмагани таъкидланади ва айни пайтда Ҳамдўстлик барча аъзо мамлакатлар халқлари фаровонлигини оширишда асқотадиган салоҳиятга эга эканлиги, ундан фойдаланиш зарурати эътироф этилади.

МДҲ учун иқтисодий интеграциянинг зарурати фақат аъзо мамлакатлар иқтисодиётининг бир-бирини тўлдириши билан чекланмайди. У глобализация жараёнлари жадаллашаётган шароитда дунёда юз бераётган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга тайёр туриш, турли инқирозларни биргаликда енгишда ҳам муҳим. Минтақавий интеграция орқали жаҳондаги умумий иқтисодий жараёнларга қўшилмоқ ҳам қулай, ҳам фойдалидир. Давлатлар раҳбарларининг баёнотида бу фикр ҳам ўз аксини топган.

МДҲнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, жўғрофий-сиёсий шароити жиҳатидан халқаро терроризм ва экстремизм ўчоқларига яқин жойлашгани боис Ҳамдўстлик аъзолари бу иллатлардан энг кўп ташвиш чекадиган мамлакатларга айланган. Бу омил, Президентимиз Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, улардан қатъий ҳамжиҳатлик ва яқдилликни талаб қилади. Бинобарин, президентлар бу борадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга тайёр эканликларини билдирди.

Шундай қилиб, 10 йиллик юбилей баҳонаси билан МДҲ раҳбарлари Ҳамдўстликнинг тараққиёт йўналишлари хусусида яна бир карра фикрлашиб олди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, эндиликда асосий урғу савдо-иқтисодий ҳамкорликка, қабул қилинган ҳужжатларни тўлалигича ҳаётга татбиқ этишга қаратилади. Ўтган ўн йиллик ичида йўл қўйилган хатолар, чалғишлар бартараф этилса, Ҳамдўстлик қай мақсадда тузилгани янада аниқроқ намоён бўлади ва барча мамлакатлар манфаати йўлида барқарор ривожланади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент-Москва-Тошкент



Ўқув даргоҳи —қомусимиз тенгдоши

"Биз, Буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун замонавий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий имкониятларимиз билан бир қаторда тарихий асосимиз ҳам бор", — деган эди Президентимиз Ислом Каримов.

Ўзбекистон тарихи миллатга, халқимизга хизмат қилиши керак. Миллий истиқлол ғоясининг талаби бу.

Тарихда миллатнинг бир неча минг йиллик тақдири акс этган. Уни жўнгина, ҳиссиз-туйғусиз, меҳр-муҳаббатсиз ёзиб бўлмайди. Тарихимиздан миллат ғурурлансин, тарихий тақдиридан рози бўлсин. Айнан тарихий қадриятларимизни тиклаш борасида ўн йил давомида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди.

Milliy istiqlol g'oyasi

1991 йилда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида давлатимиз эришган мустақиллик тарихий аҳамияти жиҳатидан эрамиз бошларида Кушонлар империясининг гуллаб-яшнаши, IX-XI асрлардаги Шарқдаги биринчи уйғониш ва XIV-XV асрлар Амир Темур ренессанси даврлари билан тенг турадиган оламшумул воқеадир. Истиқлол давлатчилигимиз, миллатимиз яхлитлиги, тарихимиз ривожи занжирларини узилишдан сақлаб қолди. Бу айни вақтда энг янги тарихимизнинг бошланиш давридир.

"Мустақиллик халқимизнинг XX аср охирида эришган буюк ютуғидир ва у ўзбек халқининг жаҳонда қадр-қимматини, обрўсини тиклаш учун қўлга киритган тарихий имкониятидир", — деган эди Ислом Каримов.

Юртбошимиз таъкидлаган тарихий имкониятдан юксак даражада фойдаланиш натижасида, мана ўн йил ўтиб-ўтмасдан мамлакатимизда асрларга татигулик тарихий ўзгаришлар амалга оширилди, тарихимиз шиддат билан ривожланмоқда.

Бухоро, Хива, Термиз шаҳарларининг 2500 йиллик, Авестонинг 2700 йиллик Амир Темурнинг 660 йиллик, Мирзо Улуғекнинг 600 йиллик, Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик, Имом Мотуридийнинг 1130 йиллик юбилейларининг ўтказилиши бу нафақат тарихий қадриятларимизнинг тикланиши, балки Ўзбекистон цивилизацияси шуҳратини, қолаверса бутун Шарқ маданиятининг улуғворлигини бутун дунёга яна бир бор кўз-кўз қилиш ҳамдир. Бугун даҳоларимиз шаънига мажмуалар яратдик, ҳайкаллар ўрнатдик. Бундайин улуғвор ишлар минг йиллардан бери биринчи марта бўлмоқда ва у яна минг йилларга татийди.

Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳаким ат-Термизий, Нажмиддин Кубро каби хотирамиздан қарийб кўтарилаётган буюк даҳоларимизнинг номлари тикланди, улуғланди. Бу ҳам тарихий қадриятимизнинг тикланишидир.

Айниқса, "Наврўз", "Меҳржон", "Ҳайит" байрамларимизнинг тикланиши бу ҳаётдаги адолатнинг тантанасидир. Барчамизнинг хотирамизда, мустақиллигимизгача Наврўзни бутун Шарқ, кўнику-ўшни қардошларимиз байрам қилар эди-ю, бизга, Ўзбекистонга ман қилинган эди.

Юртимиз жаҳон цивилизациясига ўз ҳиссасини қўша олган "даҳо"ларга бой диёр дир. Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва Мирзо Улуғеклар шунчалар буюк эдиларки, уларни араблар ҳам, эронликлар ҳам, ҳиндулар ҳам, тожиклар ҳам ўзларининг ҳисоблашарди. Ваҳоланки, улар бизнинг юртимизда туғилганлар, Ўзбекистон тупроғи фарзандлари ўзбек цивилизациясининг намояндаларидир. Жаҳонга бунчалар кўп даҳолар етказиб берган, бизнинг Ватанимизга тенг кела оладиган, дунёда бошқа бирон-бир юрт ҳам, халқ ҳам топилмайди. Ана шундай ғурурланишга арзийдиган тарихий меросимиз, қадриятларимиз бор.

Миллий истиқлол ғоямизнинг, асосий устунларимизнинг яна бири сўзсиз, юртимиз, давлатчилигимиз тарихини билиш, юракдан ҳис қилиш, англаш, чексиз ғурурланиш ва уни юксакларга кўтариб улуғлаш ғоясидир. Айниқса шон-шуҳратли, жуда қадим, теран илдизларга эга давлатчилигимиз тарихи бор. Гоҳида олимлар бирон-бир миллатнинг давлатчилиги тарихи тўғрисида сўз кетганда, уни жўнгина қилиб бирон-бир сулола — Рюриклар, Сомонийлар, Туркийлар ёки Аҳмонийлар билан боғлаб тушунтирадилар.

Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши сунъий тарзда яқин-яқингача 1924 йилдан, октябрь инқилоби билан боғланар, унинг маҳсули деб тушунтириларди. Ёинким XVI асрда Муҳаммад Шайбонийхон асос солган деган ўта нохолис, нотўғри ғоялар бор эди. Давлатчилик бирон-бир

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ТЕРАН ИЛДИЗЛАРИ

МЕҲР-МУРУВВАТ ОЙЛИГИ: аньана давом этади

Rasmiy bo'lim

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида "Она ва бола" Давлат дастурининг 2001 йил учун белгиланган вазифалар ижросини сарҳисоб қилиш, унинг тўла бажарилишини таъминлаш, меҳр-мурувватга эҳтиёжи бўлган "Меҳрибонлик уйлари", мактаб-интернатлар, мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига эътиборни кучайтириш мақсадида бу йил ҳам "Меҳр-мурувват ойлиги"ни ўтказиш тўғрисида"ги буйруқ имзоланди.

Унга кўра 2001 йилнинг декабрь ойи халқ таълими тизимида "Меҳр-мурувват ойлиги" деб эълон қилинди.

Буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, педагогика ўқув юртлари, республика тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарларига:

— жорий йилнинг декабрь ойида "Она ва бола" Давлат дастурининг жойлардаги таълим бошқаруви органлари ва таълим муассасалари жамоалари томонидан ижросини сарҳисоб қилиш;

— "Меҳр-мурувват ойлиги"да отаалиқ ташкилотлар ва саховатпеша ҳомийларни жалб қилган ҳолда, шунингдек, бюджетдан ташқари тушган сармоя ҳисобидан "Меҳрибонлик уйлари", мактаб-интернатлар ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига меҳр-мурувват кўрсатиш, эҳтиёжларини қондириш мақсадида уларни дарслик, ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар билан таъминлашни ташкил этиш;

— 2002 йил 5 январга қадар "Меҳр-мурувват ойлиги"да "Она ва бола" Давлат дастурини бажариш билан боғлиқ олиб борилган ишлар, шунингдек, "Меҳрибонлик уйлари", мактаб-интернатлар ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига кўрсатилган ёрдам ҳақидаги маълумотни вазирликка тақдим этиш вазифалари юклатилди.

ҒОЛИБ МАКТАБГА КОМПЬЮТЕР СИНФ МАЖМУИ

4 декабрь куни Республика ўқувчилар саройида "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" шиори остида ўтказилган кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Konstitutiyamiz baxtimiz poydevori»

Халқ таълими вазирлиги "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика миллий маркази билан ҳамкорликда уюштирган кўрик-танловда тўрт босқичда республикамизнинг 3 миллион 200 мингдан ошиқ ўқувчилари иштирок этиб, Бош қомусимиз ҳақидаги билимларини янада мустаҳкамлаб олдилар. Тўрт йўналиш бўйича мактаб, туман, вилоят босқичи ғолиблари якунловчи республика босқичида иштирок этиб, ғолибларни аниқлаштириб олишди.

Ўзбекистон Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этаётган, ўқувчиларга ҳуқуқий билимлар беришни намунали йўлга қўйган мактаблар ўртасида биринчи ўринга Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 27-мактаб лойиқ деб топилди. Халқ таълими вазирлиги ушбу мактабга 12 миллион сўмлик компьютер синфи совға қиладиган бўлди.

Ғолибларга мукофот ва совғаларни халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов ҳамда "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латиповлар топширишди. Кўрик-танлов натижалари ҳақида газетамизнинг кейинги сонида батафсил ҳикоя қиламиз.

Хусан НИШОНОВ

1-Тошкент тиббиёт олийгоҳининг Урганч филиали 1992 йилда ташкил этилган.

Бугунги кунда ушбу илм даргоҳида даволаш ва педиатрия факультетлари мавжуд бўлиб, уларда 960 нафар талаба билим олмоқда. Ўқув жараёни 26 кафедра ва курслардан ташкил этилган. Бу ерда 150 дан зиёд профессор ва ўқитувчилар талабаларга тиббий билимлардан сабоқ бермоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг 50 дан ортиғи илмий унвонга эга бўлиб, уларнинг 16 таси фан докторларидир.

— Клиник кафедраларимиз вилоятимизнинг кўзга кўринган етук шифохоналарида, жумладан, Хоразм вилояти 1-клиник шифохонасида, Республика тез ёрдам маркази вилоят бўлимида, вилоят туғруқхона комплексида, темир йўл Урганч станцияси шифохонасида, руҳий касалликлар, кардиология, эндокринология диспансерларида жойлашган бўлиб, талабаларни ўқитиш бевосита амалиёт билан бирга олиб борилади, — дейди филиал директори, профессор Бахтиёр Дўсчанов.

Ўзбекистон Конституцияси билан тенг-дош ушбу ўқув даргоҳида талабаларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Суратларда: 1. Доцент Ҳафиза Нуралиева (чапдан иккинчи) машғулот пайтида. 2. Олийгоҳ талабалари.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

Таҳлил, тажриба, муаммо
2—3-бетлар

Кроссворд
4-бет

JUMLADA JAHON

• 3 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи йиғилиши бўлиб ўтди.

• Россия Президенти В.Путин ва Бельгия бош вазири Т.Верхофстадт ўртасида бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Афғонистон билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилган.

• "Интерфакс" хабарига кўра, Хабаровск ўлкаси шимолида ҳалокатга учраган ИЛ—76 самолёти бортида бўлган 18 нафар қурбонлар жасадлари топилган.

• Коми Республикасида ички ишлар ёки ҳарбий ходимларни Чеченистондаги радиобошқарувли миналардан огоҳлантирувчи мослама яратилди ва синаб кўрилди.

• АҚШ Президенти Ж.Буш Фаластин раҳбари Ёсир Арофатдан якшанба куни Исроилда содир этилган террор сабабчиларини топиш ва бегуноҳ исроилликлар қотилларини судга топширишни талаб қилиб чиққан.

• Австралиянинг Сиднейдан унча узоқ бўлмаган Коров қишлоғида 6 ёшли болаларга айтган "Қорбобо ҳақидаги гаплар ёлғон, совғаларни ота-оналар олиб келишади, дея болалардаги Қорбобога бўлган ишончни сўндирган учун" ўқитувчи ўз вазифасидан озод этилган.

Ўзбекистон жаҳон цивилизациясининг энг қадимги, ёрқин ўчоқларидан бири, унинг салмоқли ва ажралмас қисмидир.

"Самарқандда олий таълим—мадрасайи олия—университет тарихидан лавҳалар" китоби бу йўлдаги дастлабки жиддий қадамдир.

Ma'rifat

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ТЕРАН ИЛДИЗЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

тарихий шахснинг хоҳиши билан туйқусдан пайдо бўлиб қолмайди. Балким, ҳар бир миллат, жамият тарихий ривожланишининг ички, эволюцион қонуниятларига кўра минг йиллар давомида ҳам маданий жиҳатдан, ҳам иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан пишиб етишади ва сўнггина давлатчилик туғилади. Ушбу жамият тараққиётининг эволюцион ривожланиш қонуниятига кўра ўзбек давлатчилиги тарихи ҳам милоддан аввалги иккинчи минг йилликларга бориб тақалади.

"Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйилган. Миллий давлатчилик тарихи Миср, Хитой, Юнонистон, Эрон каби давлатлар тарихи билан бир қаторда туради", — деб Президентимиз Ислом Каримов Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантаналарда бежиз айтмаганди.

Дарҳақиқат, узуқ-юлуқ бўлса-да, илк давлатчилигимиз тўғрисида ёзма манбалар бор. Авестода олий худо Ахура Мазда энг сара 15 мамлакатни яратганлигини ва булар ичида юртимиз ҳудудларида жойлашган "Арианом Вайчах" — "орийлар юрти" (Аму ва Сир дарёлари ҳавзаси), "... илоҳий, тоза, поклангган Суғуди" (Зарафшон дарёси ҳавзаси)... "ажойиб туғлари баланд кўтарилган Баҳди"лар (Амударёнинг юқори оқими ҳавзаси) бор. Маълумки, Авесто ёдгорлиги милоддан аввалги VIII-VII асрларга тааллуқлидир.

Сўнгроқ, милоддан аввалги VI-V асрларда Аҳмонийлар империяси бутун Ўрта Шарқни яхлит давлат сифатида бирлаштирди. Аҳмоний Доро (м.а. 622-486 й.), Ксеркс (м.а. 486-465 й.) ва Артаксеркс (м.а.465-423 й.)лар милоддан аввалги V асрда Жануби-ғарбий Эронда Беҳустун, Персопол ва Нақши Рустам қояларида тарихий воқеликлар тафсилотларини тошга ўйдириб ёздирди ва унда сўғдликлар, бақтрияликлар, хоразмликлар, саклар ифода қилинган. Милоддан аввалги 558 йил Кир (Қуруш) асос солган аҳмонийлар империяси шу қадар катта эдики, уни бошқариш учун, ўлпон тўловчи округлар — сатрапликларга бўлинди. Тарих илмининг отаси Геродот Аҳмонийлар империяси 20 (баъзи саналарда 23) сатрапликка бўлинганлиги ва ўша ерда яшаган 70 дан ортиқ халқларнинг рўйхатини ёзиб қолдирган. Сатрапликлар рўйхатида XI округ Хоразм ва Сўғд, XII округ Бақтрия, XV округ Сак юртлари келтирилган.

Сўнгроқ ушбу юртлар қадимги грек, рим тарихчилари Ксенофонт, Ктесий, Помпей Трог, Арриан ва бошқаларнинг асарларида доимий учраб туради. Шу тариқа юртимиз жаҳон тарихида ўз аксини топа бошлади.

Юқорида номлари зикр қилинган — Хоразм, Сўғд, Бақтрия шунчаки бир маданий ўлкалар эдими ёки сиёсий уюшма — давлатлар эдими? Сўнгги юз йил давомида тарихчилар баҳс юритдилар, кимдир уларни маданий ўлкалар бўлиб, халқнинг номи холос деса, бошқа бирлари давлатлар номи эканлигини исботлашга уриндилар.

XX аср бошида немис шарқшуноси И.Маркварт Авестода номи зикр қилинган "Арианом Вайчах" бу "катта Хоразм" давлати эканлиги ғоясини илгари сурди. Ушбу ғояни сўнгроқ англиялик В.Хеннинг ва И.Гершевич, москвалик С.Толстов, америкалик Р.Фрай, ўзбек тарихчиси Я.Ғуломовлар қўллаб-қувватладилар.

Қарши чиқувчилар ҳам бор эди, албатта — булар асосан россиялик олимлар И. Хлопин, В.Массон, В.Абаев ва бошқалар.

Сўнгги 20 йил давомида ушбу мунозарага якун ясалгандек бўлди. Тарихчилар Аҳмонийлар Ўрта Осиёни босиб олгунга қадар, яъни милоддан аввалги VI асргача, бу ерда камида иккита йирик, қудратли давлат — "Катта Хоразм" ва "Бақтрия подшолиги" бўлганлигини исботлашди.

Буюк ватандошимиз Беруний Хоразм подшолари сулоласига Сиёвуш асос солганлиги ва улар милоддан аввалги XIII асрдан то милодий X асргача ҳукмронлик қилганлигини хабар беради.

Геродот ёзади: "... Кирнинг босқинчилик йўлида энди Вавилон, бақтрияликлар, саклар ва мисрликлар турар эди". Қарангки, Геродот Бақтрияни қадимги дунёни энг буюк, қудратли давлатлари — Вавилон ва Миср билан бир қаторда қўйди! Бақтрияни Аҳмонийларга қадар довруғли давлат эканлигини исботловчи яна бир тарихий манбани келтирамиз. Қадимги грек тарихчиси Апполодор хабарига кўра Рим ҳарбий қўмондони Германик биринчи асрда Миср-да Фива эҳромларини томоша қилаётганда, қоҳин тушунтирди: "— ... Фиръавн Рамзес бақтрияликлар билан жанг қилган ва уларнинг ерларини босиб олган". Ваҳолангки, ва на Рамзес, ва на бошқа бирор-бир фиръавн Ўрта Осиёда бўлган эмас. Нега қоҳин ёлғон сўзлади?

Фақат бир нарса учун, Рамзеснинг қаҳрамонлиги, саркардалигини чексиз улуғлаш билан римлик қўмондонни ҳайратга солиш учунгина шуҳратли Бақтрияни мисол тариқасида ишлатди.

Милоддан аввалги V асрда яшаб ижод қилган тарихчи Книдлик Ктесийнинг бир хабарига қулоқ тутайлик, — Ассирия подшоси Нин Бақтрия устига ҳарбий юриш қилиб уни эгаллади. Жангда Бақтрия подшоси Оксиарт ҳалок бўлди ва мамлакатнинг чексиз бойлиги Нин қўлига ўтди. Бақтрия бойликлари эвазига подшо Нин суюкли рафиқаси Семирамидага атаб Вавилонда, ривоятларга айланиб кетган, етти мўъжизанинг бири бўлган "Самовий боғ" яратган.

Қолаверса, Авестода акс этган ижтимоий ҳаётда давлатчилик ифода қилинганлигини бугунги кунда бутун жаҳон тарихчилари тан олишди.

Бақтрия подшолигини кавилар бошқарган. Пайғамбар Заратуштра милоддан аввалги VII асрда Бақтрия подшоси, машҳур кави Виштапси ҳузурида паноҳ топганлигини Авесто хабар беради. Тарихчилар Бақтрия подшолиги даврини икки — илк ва сўнгги кавилар даврларига бўлишмоқдалар. Юқорида зикр қилинган воқелик сўнгги кавилар сулоласи даврида юз берди. Бақтрия подшолиги илк кавилар сулоласи даврини даниялик олим А.Кристенсен милоддан аввалги 900-775 йиллар билан, англиялик шарқшунос В.Хинц милоддан аввалги 800 йиллар, россиялик тарихчи И.Дьяконов милоддан аввалги IX-VII асрлар билан белгилашмоқда.

Кўриб турибсизки, номлари зикр қилинган воқеликлар Ассирия, Вавилон, Мидия подшоликлари Авесто милоддан аввалги IX-VII асрларда тарих саҳнасида ёрқин намоён бўлган эди.

Демак, худди шу даврларда ана шу қудратли давлатлар билан тенгма-тенг рақобатда турган юртимиз сарҳадларида доврўқ сурган, камида иккита давлат — "Бақтрия подшолиги" ва "Катта Хоразм давлати" мавжуд эди. Тарихий ва археологик манбалар буни тўлиғича исботлаб турибди.

Бу қудратли, йирик сиёсий уюшмалар — давлатлар туюқдан, яшин тезлигида шаклландиларми? Йўқ, албатта. Тарихнинг эволюцион тараққиёт ривожи қонуниятига кўра "Бақтрия подшолиги" давригача юртимизда кичик-кичик "воҳа давлат"лари бўлганлигини археологик манбалар исботлаб турибди.

Милоддан аввалги II минг йилларда Бақтрия ҳудудларида кичик дарёлар ҳавзасида 11 та деҳқончилик воҳаси борлиги аниқланди. Бундай воҳалар Хоразм, Сўғд ва Фарғона ҳудудларида ҳам кўплаб аниқланди. Худди мана шу даврда илк шаҳарлар пайдо бўлди. Ҳар бир деҳқончилик воҳасининг марказида илк шаҳар-марказ ва унинг атрофида ўнга яқин кичик қишлоқлар мавжуд эди.

Шаҳар маданияти билан деҳқончилик тизими тадрижий шаклланиши тарихнинг қомусий қонуниятидир.

Ўзбекистон ҳудудида илк шаҳар ва воҳа давлатчилигининг милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида шаклланганлиги Шеробод туманида жойлашган Бўстонсой воҳаси ва Жарқўтон илк шаҳар харобалари мисолида исботлаб берилди.

Жарқўтон ёдгорлиги 100 гектарча майдонни эгаллаган бўлиб, у ерда алоҳида мудофаа деворлари билан ўраб олинган арк, ҳукмдорлар саройи, ибодатхона, аҳоли яшайдиган ва ҳунармандлар кварталлари очилди, мулкдорлик ва ҳукмдорлик белгилари ҳисобланмиш бронзадан ясалган туғ, муҳр ва кўплаб бошқа ноёб осориатиқалар топилди. Жарқўтон воҳанинг марказида бўлса, унинг атрофида ўнга яқин майда қишлоқлар харобаси топилди. Ва ҳатто, воҳанинг чегарасида кун ботиш томонда, кучли мустаҳкамланган ҳарбий қалъа — Сополлитепанинг топилиши, воҳанинг ҳимояси учун атайлаб қурилганлигидан далолат бериб тургандай. Айнан, Бўстонсой ҳавзаси маркази Жарқўтон бўлган "воҳа давлати" бундан 3-3,5 минг йил муқаддам шаклланган. Милоддан аввалги IX-VIII асрларда тарих саҳнасига чиққан "Бақтрия подшолиги"нинг илдизи, пойдевори мана шундай митти "воҳа-давлатлар"га бориб тақалади. Ўнлаб кичик-кичик "воҳа-давлатлар" бирлашиб катта Бақтрия подшолигини ташкил қилган. Илк даврларда бу сиёсий бирлашмалар анча мўрт бўлган. Гоҳида "воҳа-давлатлар"нинг бир нечаси сиёсий уюшган, гоҳида тарқаб кетишган ва бу жараён кўп маротаба қайтарилган. Охир-оқибатда қудратли, теран сиёсий уюшмага — катта давлатга айланган.

Ушбу жараён фақат Ўзбекистон давлатчилиги тарихига хосми? Йўқ, албатта. Ушбу жараён, жаҳонда юз берган барча цивилизацияларга тегишлидир. Фактларга мурожаат этамиз. Милоддан аввалги 834 йили Ассирия подшоси Саламоносор II томонидан ёздирилган солиқ йиғиш ҳужжатида, шимолий-ғарбий Эламда жойлашган кичик бир "Парсуа ўлкасида 27 подшоҳлик" эслатилади.

Милоддан аввалги III-II мингинчи йилларда Хитойнинг Хуанхе дарёси ҳавзасида 35 та, Шумерда 13 та ва ҳатто Мезоамериканинг Юкатан ярим оролида 18 та шаҳар-давлат, мустақил князликлар бўлганлигини тарихчилар исботлаб беришди.

Бу ҳол Мисрда ҳам, Ҳиндистонда ҳам юз берган. Қадимги Шарқда бу кичик давлатлар "ном"лар ёки "шаҳар-давлатлар" деб юритилар эди, ўзбек давлатчилигининг илк кўриниши "воҳа-давлат"лари бўлиб, унинг тарихи 3-3,5 минг йилликлар қаърига бориб тақалади. Шундай қилиб, Ўзбекистонда бронза даврида юз берган ижтимоий-сиёсий ҳодиса "воҳа-давлатчилиги" шаклланиши жараёни жаҳон цивилизацияси тараққиёти қонуниятига ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон жаҳон цивилизациясининг энг қадимги, ёрқин ўчоқларидан бири, унинг салмоқли ва ажралмас қисмидир. Ўзбеклар юртимизнинг энг қадимий, тубжой халқи, ушбу юксак цивилизациянинг, буюк тарихий ва маданий жараёнларнинг, давлатчилик тарихидаги сулолалар сиёсий фаолиятининг меросхўридир.

Ўзбек давлатчилигининг теран илдизлари қарийб 3-3,5 минг йиллик қадимиятга бориб тақалади, унинг илк пойдевори "ном" типидаги "воҳа-давлат"чилиги даврида, 2900-2700 йиллар муқаддам "Бақтрия подшолиги", "Катта Хоразм", Сўғд ва 2500-2400 йиллар аввал Давань (Фарғона водийси) подшолиги давлатлари даврида қўйилгандир.

Холисона тарихимиз, шавкатли давлатчилигимиз тарихи истиқлол ғоясининг узвий давоми, ажралмас қисми сифатида, миллий ғоямизнинг теран, бақувват устунларидан бўлиб боқий қолаверади.

Темур ШИРИНОВ,
ЎзФА Самарқанд бўлимининг раиси, археология институти директори, тарих фанлари доктори

МУҲИМ МАНБА

Муқаддас заминимиз Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Фаробий, Абу Мансур Мотурудий, Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган забардаст алломаларга бешик бўлган. Уларнинг шундай буюк шахслар бўлиб етишишларида такрорланмас истеъдод билан бирга яратилган муҳит, шарт-шароит, ўша даврларда мавжуд таълим тизимининг ҳам ўрни беқиёс. Кенг қамровли ислоҳотлар кечаётган бугунги даврда ушбу соҳанинг юртимиздаги тарихий илдизларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Академик Ботурхон Валихўжаевнинг яқинда нашрдан чиққан "Самарқандда олий таълим—мадрасайи олия—университет тарихидан лавҳалар" китоби бу йўлдаги дастлабки жиддий қадамдир.

Китоб уч бобдан иборат бўлиб, биринчи боб "Таълим-тарбия муассасалари—мактаб ва мадрасаларнинг пайдо бўлиши: дастури, мударрислари, машҳур талабалари (IX-XIV асрнинг биринчи ярмигача)" деб номланган.

Иккинчи боб "Соҳибқирон Амир Темур даврида олий таълим муассасалари мадраса ва мадрасайи олиялар фаолияти ҳақида лавҳалар" деб номланган. Бобда Амир Темур даврида, Мирзо Улуғбек давридаги мадраса ва мадрасайи олиялар, мадрасайи олия мажмуасининг XV асрнинг иккинчи ярми ва кейинги даврлардаги фаолияти, XV асрнинг иккинчи ярмида бино қилинган мадрасалар ҳақида ҳикоя қилинган.

Учинчи боб "XVI-XIX асрлардаги мадрасалар: мударрислар, машҳур талабалар" деб номланган бўлиб, унда Амир Темур ва темурийлар давридаги кутубхона ва китоблар ҳақида ҳам батафсил ҳикоя қилинади.

Ҳ.НИШОНОВ

Сиз Конституцияни биласизми?

Халқ таълими вазирлиги, Давлат Тест Маркази, "Маърифат" газетаси таҳририяти танлови

11. Турар-жой дахлсизлиги ҳуқуқи Ўзбекистон фуқароларининг қандай ҳуқуқ ва эркинликлари гуруҳига киритилган?
А) ижтимоий
В) маънавий
С) шахсий ва иқтисодий
D) шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар
Е) шахсий ва маънавий

12. Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларига қуйидагилардан қайсилар киради?
А) давлат органларига ариза билан мурожаат қилиш
В) митинг ва намойишлар ўтказиш, сўз эркинлиги
С) эркин касб танлаш, фикрлаш эркинлиги
D) сиёсий партияларга аъзо бўлиш, ижод эркинлиги
Е) Ҳамма жавоблар тўғри

13. Конституциянинг қайси қисмида Ўзбекистон халқи инсонпарвар демократик-ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаётгани эътироф этилган?
А) "Асосий принциплар"
В) "Жамият ва шахс"
С) "Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши"
D) "Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши"
Е) "Муқаддима"

14. Қуйидаги қоидалардан қайси бири Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилган?
А) Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир.
В) Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.
С) Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади.
D) А ва С
Е) В ва С

15. Конституцияга кўра, ҳуқуқий хатони топинг.
А) Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга
В) Фуқаролар учун виждон эркинлиги кафолатланади
С) Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга
D) Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир
Е) Ҳамма жавоблар Конституциядаги қоидаларга мос келади

16. Конституцияга кўра, ҳуқуқий хатони топинг.
А) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилади, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади
В) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Президентнинг ваколати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини тайинлайди
С) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисини ва унинг ўринбосарларини тайинлайди
D) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солади
Е) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этади

17. Конституцияга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қандай давлат ҳокимиятини амалга оширади?
А) қонун чиқарувчи ҳокимиятни
В) бошқарув ҳокимиятини
С) ижро этувчи ҳокимиятни
D) А, В
Е) А,В,С

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қандай ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаради?
А) қарор ва фармонлар
В) қонун ва қарорлар
С) қарор ва буйруқлар
D) фармойиш ва буйруқлар
Е) қарор ва фармойишлар

19. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Вазирлар Маҳкамаси қандай соҳаларга раҳбарлик қилади?
А) иқтисодий, ижтимоий, маданий
В) сиёсий, иқтисодий, маънавий
С) иқтисодий ва ижтимоий
D) иқтисодий, ижтимоий, маънавий
Е) иқтисодий ва маънавий

20. Ўзбекистон Республикасининг қайси маъмурий-ҳудудий тузилмаларида маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органлари мавжуд?
А) вилоятлар, туманлар, шаҳарларда
В) вилоятлар, қишлоқлар, шаҳарларда
С) вилоятлар, шаҳарлар, овулларда
D) вилоятлар, туманлар, шаҳарчаларда
Е) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманларда, овулларда

(Жавобларингизни «Ma'rifat» газетаси манзилига жўнатинг)

Hay'at yig'ilishida

ТАҲЛИЛ,

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат мажлисида бир йўла уч масала кўриб чиқилди. Булар 2001 йил олий ўқув юртларига тест синов натижалари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда "Она ва бола" Давлат дастури талаблари асосида мактабгача таълимни ривожлантириш аҳволи ва истиқболлари (Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани мисолида) ҳамда Халқ таълими муассасаларини 2001-2002 ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёрлаш аҳволи ҳақида бўлди.

Биринчи масала юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори М.Муҳитдинов батафсил таҳлилий ахборот берди.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов ташаббуси билан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан жорий қилинган олий ўқув юртларига абитуриентларни саралашнинг тест усулини қўллаш умумий ўрта таълимга бўлган умуммуносабатни тубдан ўзгартиришга, хизмат қилмоқда. Энг муҳими иқтидорли ёшларни танлаб олишда ижтимоий адолат таъминланди.

Олий ўқув юртларига тест асосида қабулни ташкил этиш ишларини амалга ошириш вазифаси юкланган Давлат тест маркази маълумотлари қатор йиллардан бери Халқ таълими вазирлиги ҳайъат мажлисларида муҳокама қилиниб, таълим жараёнини такомиллаштириш, янги педагогик технологиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш бўйича маълум бир тавсияларни ишлаб чиқишда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришда кенг қўлланиб келинмоқда.

Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест марказининг умумий ўрта таълим мазмунини такомиллаштириш борасида олиб бораётган ҳамкорлик фаолияти натижасида Республика шаҳар ва туман мактаблари битирувчиларининг олий ўқув юртларига тайёргарлик натижалари маълум даражада ортди. Тест маркази томонидан ўтказилаётган тажрибавий тест синовлари, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг тест материалларини ишлаб чиқишга жалб этилиши, "Ахборотнома", "Вестник" ва "Хабарнома"лар билан ишлаш тизимини такомиллаштирилиши, ҳар йилги тест натижаларини вилоят, туман ва мактаблар бўйича таҳлил қилиниши ва бошқа баҳамжиҳатликдаги ишлар маълум даражада ижобий натижалар бермоқда.

Бироқ, сон жиҳатидан ўсиш бўлса-да, умумтаълим муассасаларини тугатиб абитуриент бўлган битирувчиларнинг билим самарадорлиги 2000 йилга нисбатан пасайгани кузатилди. Жумладан, ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактаб битирувчилари 2000 йилда 75.47 балл тўплаган бўлса, 2001 йилда 74.01 балл тўплашди.

Сурхондарё, Сирдарё вилоятларининг ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактаб битирувчиларининг ўртача бали 88.67 га тенг бўлиб, Республикада энг юқори кўрсаткич бўлишига қарамай, бу кўрсаткич шаҳардаги ўқиш рус тилида олиб бориладиган мактабларга нисбатан 33 баллга камдир.

Она тили ва адабиёти, тарих, француз тили, инглиз тили, кимё фанлари бўйича ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар билан умумтаълим лицейлари ўртасидаги фарқ ўртача 10-15 баллни ташкил этади холос. Ўқиш рус тилида олиб бориладиган мактаб ва умумтаълим лицейларида эса бу ҳол ўта ачинарли кўринишдадир. Жумладан, рус тили ва адабиёти бўйича Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд вилоятлари, математика бўйича Андижон, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари, биология бўйича Наманган, Навоий, Самарқанд вилоятлари лицейлари, умумтаълим мактабларига нисбатан паст натижалар кўрсатди.

Сурхондарё, Навоий ва Сирдарё вилоятларида тест натижалари таҳлили асосида олиб борилаётган ташкилий-педагогик ишлар, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, таълим муассасаларига етарли услубий хизмат кўрсатилмаслиги, айниқса битирувчиларини олий ўқув юртларига киришга тайёрлаш бўйича мақсадли чоралар белгиланмаганлиги натижасида мазкур вилоятлар қатор йиллардан бери республикада охирги ўринларда келмоқда.

1999-2001 йиллар давомида Бандихон, Олтинсой, Музработ, Сирдарё, Сайхунобод, Томди, Конимех, Кегейли, Қонликўл, Юқори Чирчиқ туманлари, Зарафшон, Тахиатош, Шаҳрихон, Наманган шаҳарлари ҳам республиканинг 214 та туман ва шаҳарлари ўртасида охирги ўриндан кўтарила олмаяпти.

2001 йилда республикамиздаги 8 та олий ўқув юртларининг махсус сиртқи бўлимларига ҳужжат топширган умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг "Бошланғич таълим ва тарбиявий иш" мутахассислиги бўйича кўрсаткичлари бошқа йўналиш абитуриентларига қараганда юқорироқ бўлди. Бироқ махсус сиртқи бўлимларга қабул қисқа муддатда ташкил қилингани, абитуриентларнинг тайёрланиш муддатлари кам бўлганлиги сабабли уларнинг кўрсаткичи қабулнинг кундузги ва анъанавий сиртқи бўлимларига нисбатан паст бўлди.

Бундан ташқари вазирликнинг 2000 йил мазкур масалага оид ҳайъат қарорида белгиланган амалий чора-тадбирлар ижроси назорати сусайтириб юборилган. Жумладан, республика Таълим маркази ҳамда ЎзПФИТИ Давлат тест маркази таҳлилларида қайд этилган ҳар бир фанни ўқитиш, паст натижалар кўрсатаётган ҳудудларга фанларни ўқитишдаги камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, уларга илмий, услубий ва амалий ёрдам кўрсатмаганлар.

Ҳайъат мажлиси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари ва Давлат тест марказининг 2001 йил тест якунлари таҳлилидан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим жараёнини такомиллаштириш, таълим сифат ва самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди. Жумладан, Давлат тест маркази ва республика Таълим маркази билан синов-тест ўтказиш ҳамда услубий хизмат самарадорлиги ошириш мақсадида 2002 йилнинг 1 апрелига қадар барча туман халқ таълими бўлимлари методика кабинетлари таянч умумтаълим муассасаларини модем тизимида ишлашини таъминлашга келишиб олинди.

Кун тартибидаги иккинчи масала "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда "Она ва бола" Давлат дастури талаблари асосида мактабгача таълимни ривожлантириш аҳволи ва истиқболлари (Каттақўрғон шаҳри мисолида)га бағишланди. Унда Каттақўрғон шаҳар халқ таълими бўлими томонидан "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда "Она ва бола" Давлат дастури талаблари асосида мактабгача таълимни ривожлантириш борасида маълум ишларни амалга оширганлиги таъкидланди.

Шаҳарда "Соғлом авлод учун", "Маҳалла", "Хотин-қизлар" бўлинмалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, соғлиқни сақлаш шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қонунлари ҳамда "Она ва бола" Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб, 2000-2005 йилларга мўлжалланган "Болаларни мактабга тайёрлаш" истиқбол дастури ишлаб чиқилди. Жумладан "Учинчи мингйиллиқнинг боласи" таянч дастури ижросини назорат қилиш масалаларини ҳам ўз ичига олган ушбу дастур қабул қилиниши натижасида шаҳардаги 24 та мактабгача таълим муассасаларининг шарт-шароитлари яхшиланди, таълим мазмунига илғор педагогик технологиялар жорий этилиши борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Oliy o'quv yurtlarida

ДУНЁ "ЁНҒИНИ"ГА ҚАРШИ

СПИД (ОИТС) ёнғинга ўхшаб бутун дунёни қамраб олаяпти. Қисқа вақт ичида у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бутунжаҳон ва Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти учун биринчи даражали муаммога айланди.

ОИТС — орттирилган иммунитет танқислиги синдроми, оғир, вирусли касаллик ҳисобланади. Бу касаллик — одам иммун танқислиги вируси таъсиридан пайдо бўлади, бу вирус ретровируслар гуруҳига киради. Заҳарланиш манбаи — вирус билан жароҳатланган одам ҳисобланади.

ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш мақсадида "ОИТСнинг олдини олишни кучайтириш тадбирлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинган.

СПИД ва гиёҳвандликка қарши кураш ҳозирги кун учун долзарблигини инобатга оладиган бўлсак, Тошкент Давлат авиация институтида ўтказилаётган "АКЦИЯ" катта аҳамиятга эга бўлади. Акция — "1 декабрь — Халқаро ОИТСга қарши кураш куни"га бағишланди.

Тадбир ташкилотчиси: "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг институт бошланғич ташкилотидир.

Тадбирда институт профессор-ўқитувчилари, ишчи-ходимлари, талабалар ва меҳмонлар иштирок этишди.

Мухбиримиз

Болаларнинг баркамол бўлиб вояга етишишларида албатта, ўйинчоғу қўғирчоқларнинг ўрни беқиёс. Ҳар бир боғчага қатновчи боладан бугун боғчада нима қилдинг? деб сўралганда, биринчи навбатда, болалар билан қўғирчоқ ўйнадим, — деб жавоб беради. Ҳозирги пайтда юртимиздаги кўпгина мактабгача таълим муассасаларида болаларга қўғирчоқ ўйнаш билан бирга, уни ўзлари ясай олишларига ўргатилмоқда. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 1-болалар боғчасида тарбиячиси Ш.Бердиева ҳам ўзи ва болалар ясаган қўғирчоқлари билан кўрик-танловларда қатнашиб келмоқда.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

Эҳтимол қаҳрамонлар энг қалтис, энг ҳаяжонли дақиқаларни кечираётгандир, эҳтимол мутолаа қилаётган қизнинг ҳаётида ўшандай воқеа содир бўлиб шундан ҳаяжонланаётгандир.

Ариқ ёки ҳовуз лабига мол боғлаган одам 25 қамчи билан калтакланган, болалар тик туриб нон емаслик, унинг увоғини ерга тўкмасликка одатлантирилган.

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Эркин бозор муносабатларига ўтилгач, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш устувор вазифага айланди. Шу мақсадда бир қанча қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XII бобида ҳам жамиятнинг иқтисодий негизлари алоҳида моддаларда кўрсатиб қўйилган.

Маълумки, бозор иқтисодиёти иқтисодий плюрализмга, кескин рақобатчиликка асосланади. Шундай экан, унинг ривожланиши мулкчилик масаласининг қай даражада ҳал этилганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Сабаби, иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи рақобат турли мулк шаклига эга бўлинган-дагина юзага келади. Ўз навбатида бу масала ҳам Бош Қомусимизнинг 53-моддасида ечимини топган, яъни "бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди".

Мазкур модданинг аҳамиятли томони шундаки, у биринчидан, кўп укладли тизимнинг шаклланишига шарт-шароит яратса, иккинчидан иқтисодий фаолиятни юритиш, меҳнат қилиш эркинлигини ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга имкон туғдиради. Шунингдек, бугунги кунда иқтисодий эркинликларни кафолатловчи конституциявий меъёрларни ривожлантириш ва тўлиқ амалга оширилишига эришиш мақсадида "Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Қонунлар, "Фуқаролик", "Солиқ" кодекслари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Рақобатли бозорнинг муҳим жиҳати хусусий мулкка асосланганлигида. Чунки бу нарса инсонда мулкдорлик туйғусини уйғотиб, унга эҳтиёткорона ҳамда тежамкорона муносабатда бўлишни тақозо этади. Шунингдек, хусусий мулкнинг даҳлсизлиги турли мулк шакллари ўртасида фойдали рақобатни юзага келтиради, натижада даромад олишнинг интенсив имкониятлари кўпаяди ва маҳсулот сифати яхшиланади. Бундан ташқари 54-моддада "мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади" дейилган. Бу эса инсонларда хусусий мулкка нисбатан ишонч туйғусини мустаҳкамлашга имкон беради.

Шундай экан, Конституциямиз мулкий муносабатларни ижобий қарор топтиришда муҳим роль ўйнайди ҳамда иқтисодий барқарорликка эришишнинг кафолати бўлиб қолади.

Аббос ХЎЖАМУРОДОВ,
Тошкент молия институти талабаси

Konstitutsiyani o'rganamiz

ИНСОН РУҲИЯТИНИНГ МУҲАНДИСИ

Раҳим Аҳмедов замондошларимизнинг ички дунёси, руҳий оламини нозик пайқай оладиган, илғаб бўлмас нозик қалб торларини майин черта оладиган мўйқалам соҳиби. Рассомнинг мухлислари эътиборига ҳавола қилган қайси бир образига нигоҳ ташламанг, унда салобатли, уйчан, мулоҳазали кишилар қиёфаси жонланади. Зеро, рассомнинг босиб ўтган оғир ва машаққатли, бироқ оқибат натижада қувончли ҳаёт йўли уни турмушга жиддий қарашга ўргатди. Эҳтимол шундан бўлса керак, унинг қаҳрамонлари ҳаёт мураккабликлари ва масъулиятини чуқур англаган жиддий шахслардир. Уларнинг бизга шундай таниш, улуғвор кўринишидан рассомнинг ўткир психолог, уста портретчи, инсон руҳиятининг муҳандиси эканлигини билиб оламиз. Санъаткорнинг "Звено бошлиги А.Тоштемиров портрети", "Кекса колхозчи портрети", "Она ўйлари" (1956) сингари дастлабки портретлари фикримизнинг далилидир.

Портрет жанри — тасвирий санъатнинг чўққиси деб, бежиз айтишмайди. Портрет жанри пайдо бўлганидан бери қанчадан-қанча портрет усталари яшаб, ижод қилганлар. Улар қўл урган асарлар унинг барча аспект ва қирраларини қамраб олганки, бу соҳада янги бир композицион кўриниш кашф этиш, топиш амримаҳолдир. Шу боис портрет жанрида мўйқалам тебратувчи ўз ижодий изланишларига ниҳоят даражада талабчан бўлиши зарур. Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, Раҳимжон ака шу борада сермашаққатли изланишлар қилди, ўз овозига эга бўлиш учун ҳаётий материалларни синчковлик билан ўрганди. Воқеликни кузатишда фантазия, уни ўзлаштиришда синчков психолог бўлди, унинг нозик-нафис томонларини илғашда сезгир интуитив ҳиссиётига суянди. Шу интуиция, шу бетиним меҳнат ва изланишлар, ҳаёт ҳақиқатларини эринмай кузатиш, ҳаётий ҳиссиётларини ҳолст юзасига кўчира билиши туфайли ўз олдига қўйган мақсадига эриштира бошлади.

Рассом ҳар бир яратмоқчи бўлган образини ўз фантазиясининг кучи воситасида қандай бошланиши ва тугалланиши жараёнини, асосий штрихини олдиндан кўра билиши зарур. Акс ҳолда уни планли программали тарзда руёбга чиқариши мушкул. Ижодий изланиш жараёнида айтмоқчи бўлинган фикрга мос ифодавий компонентлар, ритм, фазовий муҳит, ранглар системаси ва қоришмаси, унинг интуитив тарзда илғаб олинадиган кўриниши юзага чиқа боради. Масалан, у "Баҳор" портрет-картинасини бундан саккиз йил муқаддам тол тагида хаёлга чўмиб ўтирган онани кўрганида пайдо бўлган фикр ва ниятини ҳолатга туширишни пайтида, унинг сўнгги композицион вариантдаги кўринишини тугал ўйлаб етмаган, дастлабки ҳаётий эпизод, мотивдан олган таассуротини акс эттиришга ошиққан.

Кейинчалик ута ҳаётий таассурот ҳиссиётига фикран такрор қайтиб, картинаси орқали айтмоқчи бўлган фикрининг энг қулай кўринишини, ҳолатини, сўнгги вариантини топмагунича мураккаб интуитив жараёнларни бошидан кечирган. Ҳаётдан ишлаган этюдлари—материаллари асосида картинани турли вариант ва кўринишларда кўз олдига келтирган. Шундай изланишлар, қарама-қарши ҳиссиётлар ва онлардан кейингина асарнинг сўнгги варианти юзага келган.

Муаллифнинг "Мисралар" композицияси чуқур мазмуни билан томошабинни хаёлга толдирди. Айни ёз палласида, ҳарир либосда сўрида ўтириб шеър мутолаа қилган шоира назаримизда бир ўткир ташбеҳдан ёки бирор шоҳмисрадан ғоят таъсирланиб, ундан нафис лаззат олган ҳолатда эркин ўтирибди. Жувоннинг енгил, дардли, нозик ички дунёси, умуман шоира сиймосининг мулоҳазали, мутолаадан таъсирланган юрак тафти бир оз бўшашиброқ ўтиришида ҳам, қўл тутиши ва чеҳрасининг шу хусусиятни ёрқинлаштирувчи меъёрида ҳам кўзга яққол ташланади. Образ орқали илгари сурилган шундай ифодавий йўналишлар юқорида қайд қилинган ғояни яна ҳам теранлаштиради. Рассом ҳар бир асарига қўл урар экан, аввало, унинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, унга мос ифодавий воситалар танлайди. Унинг кучи ва имконияти ёрдамида ҳар бир штрих ёки ранг доғларини ҳам шу мазмунга мослаштириб, унинг моҳиятидан келиб чиқиб юзага чиқаришга интилади.

"Мисралар" композициясидаги тўқ кўкиш ранг шолча композицияни меъёрга тушириб, асарнинг қурилишини маълум даражада мукаммаллаштиргандай бўлади. Айни чоғда образ ҳиссиётини манзара тафти ва ҳароратидан ажратиб, уни биринчи планга олиб чиқади. Маълум фикрлар оғушини мукаммаллаштириб, конкретлаштириб турувчи қатъий чизиқлар воситасида тасвирланган сўри, манзара фонининг импрессионистик ранглар товланишида пленерда ишланиши жувоннинг бош қисмига тўғри келувчи марказий фоннинг хиралаштирилиб, умумий тонга киритиб юборилиши, қўл ва умуман аёл қомати силуэти, фоннинг ҳам бир текис ранглар меъёрига бўйсуниши ўқилган шеърдан таъсирланган шоира сиймосини, унинг ички туғёнини юзага чиқарган. Ижодкорнинг қалб туғёнини нафис пайқай олиш маҳоратига молик эканлигини мусаввир яна бир бор кўрсата олган.

"Ёз" композициясида ҳам "Мисралар" портретида ҳам қаҳрамонлар мутолаа қилаётган ҳолатда кўринади. Иккинчи композицияда берилиб китоб ўқиётган қиз бир жойга келганда ундан кўзини узмаган ҳолда тўхтаб қолган.- Эҳтимол, шу жой асарнинг кулминацион нуқтасидир, эҳтимол қаҳрамонлар энг қалтис, энг ҳаяжонли дақиқаларни кечираётгандир, эҳтимол мутолаа қилаётган қизнинг ҳаётида ўшандай воқеа содир бўлиб шундан ҳаяжонланаётгандир. Асардаги композицион ечимда рассом бевосита ҳаётнинг ўзидан келиб чиқиб, шу ҳаётий эпизоддан маълум мазмун излайди ва шу мазмунни теранлаштирувчи ҳолат орқали юзага чиқариш, ижодкорнинг сезгирлиги ва эътиборга ўнчалик ташланмайдиган эпизоддан чуқур мушоҳадали мазмун келтириб чиқаришдаги маҳорати кўринади. Қизнинг мутолаа жараёнидаги фикрлари доираси кўлами, шу машғулотга берилганидаги ўзига хос ташқи кўриниши, айниқса бу хусусиятни якунловчи юз ҳолати ва қўл тутишидан асар мазмунини англаб олиш мумкин. Қиз фикрлари туғёнининг маълум мақсадга йўналтирилганлиги, бор диққат ва хаёлот дунёсининг уқилаётган китобга жалб этилганлиги рассомнинг айтмоқчи бўлган мақсадини рўйирост кўрсатади. Картинадаги антуражлар, ҳолатнинг юқори қисмидан кесиб олинган манзара акси, қизчанинг табиий ҳолатдаги кўриниши,композициянинг декоратив услубдаги ечими асар мазмунини юзага чиқаришдаги муҳим омиллар бўлиб, интим ҳаётий кўриниш орқали образ психологиясини теран фаҳмлаган нозик таъбли ижодкорнинг қалб ҳарорати яққол сезилиб туради.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,
катта илмий ходим

«МАКТАБ VA HAYOT»

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассислигида чоп этила бошлаган янги илмий-методик журнал ана шундай номланади. Иллюстрацияли, илмий-услубий, маълумот-ахборотли даврий нашр сифатида умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари, ота-оналар ва ўқувчиларга мўлжалланган мазкур журнал «Таълим тўғрисида»ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишда соҳа ходимлари, амалиётчи педагоглар учун дастуриламал вазифасини бажаради, десак муболаға бўлмайди.

Айниқса, бугунги кунда барча шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари қошида фаолият юритаётган ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Ташхис марказлари ходимлари иш жараёнида ушбу нашрнинг ўрни беқиёсдир. Зеро, янги журналда намунавий ва тажрибавий дастурлар, таълимнинг турли йўналишлари бўйича услубий ишланмалар, замонавий саноат технологиялари, ишлаб чиқариш ускуналари ва машиналарининг тафсилотлари, бу борадаги илғор педагогик тажрибалар журналда чоп этилиши кўзланмоқда.

"Амалий психология" рукни остида болалар боғчалари ва мактабларда меҳнат қилаётган психологларга ёрдам тариқасидаги материаллар, психологик ташхис тестлари ва улардан фойдаланиш методикаси, турли ёш гуруҳларидаги болалар билан психокоррекция ишларини олиб бориш, болалар психологияси, шахс психологияси муаммолари бўйича мутахассисларнинг мунозарали чиқишлари кутилмоқда.

Бундан ташқари, шахснинг ижтимоийлашуви муаммолари, иқтисодий бинамунавий ва тажрибавий дастурлар, таълимнинг турли йўналишлари бўйича услубий ишланмалар, замонавий саноат технологиялари, ишлаб чиқариш ускуналари ва машиналарининг тафсилотлари, бу борадаги илғор педагогик тажрибалар журналда чоп этилиши кўзланмоқда.

"Амалий психология" рукни остида болалар боғчалари ва мактабларда меҳнат қилаётган психологларга ёрдам тариқасидаги материаллар, психологик ташхис тестлари ва улардан фойдаланиш методикаси, турли ёш гуруҳларидаги болалар билан психокоррекция ишларини олиб бориш, болалар психологияси, шахс психологияси муаммолари бўйича мутахассисларнинг мунозарали чиқишлари кутилмоқда.

Бундан ташқари, шахснинг ижтимоийлашуви муаммолари, иқтисодий би-

Diqqat: yangi nashr

мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида Шахснинг шаклланиши, унинг ҳаётий ва касбий жиҳатдан ўзини-ўзи англашига оид масалаларга бағишланган туркум мақолаларнинг бериб борилиши мўлжалланган.

"МАКТАВ VA HAYOT"нинг илк сонида чоп этилган Халқ таълими вазири Рисбой Жўраевнинг бош мақоласида таъкидланганидек, журналнинг ҳар бир сонида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш борасидаги концептуал материаллар, намунавий низомлар, йўриқномалар, услубий ишланмалар, республикамиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим тизимидаги ўқув муассасалари, мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаларида мавжуд бўлган оммавий касб-ҳунарлар, мутахассисликлар турлари, йирик-йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларидан тортиб, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи корхоналар тўғрисида маълумотлар, ёшларни касбга йўналтириш муаммолари бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар натижалари ўзининг муносиб ўрнини топади.

Ўқув-режалаштириш ҳужжатлари, лимлар асослари, болалик ва ўсмирлик давридаги тадбиркорлик, пуллик таълим хизматлари, таълимни ахборотлаштириш каби рукнларда чоп этиладиган мақолалар соҳа мутахассидилари учун ҳар жиҳатдан қизиқарли бўлиши табиийдир.

Журналнинг фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда махсуслаштирилган кутубхоначалар кўринишидаги брошюралар туркумининг нашр этилиши режалаштирилган ва "МАКТАВ VA HAYOT"нинг илк сонига ана шундай китобчалардан иккитаси — ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхиснинг меъёрий асослари ҳамда мактабга қабул қилинган олти ёшли болалар учун "Психологик саломатлик мактаби" коррекция-ривожлантирувчи машғулотлар дастури илова қилинмоқда.

Ўйлаймизки, мазкур янги журнал таълим соҳасида меҳнат қилаётган барча педагогларнинг шахсий кутубхонасидан муносиб ўрин олади.

Нурлан УСМОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ТАЖРИБА, МУАММО

Муассасалардаги гуруҳларда ривожлантирувчи муҳитларнинг таъсири ҳамда ота-оналарга мактабгача таълимнинг узлуксиз жараёндаги аҳамиятини тўғри тушунтириш натижасида таълим муассасаларига болалар қатнови ошиб бормоқда. Жумладан, шаҳар боғчаларига 1999 йил 22,1 фоиз бола жалб қилинган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 36,1 фоизни ташкил этди.

Каттақўрғон шаҳар халқ таълими бўлимида раҳбар ходимлар, тарбиячилар фаолияти, болалар соғлиғи, давлат талабларининг бажарилиш кўрсаткичлари мониторингини юритиш йўлга қўйилган.

1999-2001 йиллар мобайнида ноанъанавий муассасалар тармоғини кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, 41 та қўшимча гуруҳлар ташкил этилган.

Ушбу ноанъанавий муасасаларнинг ташкил этилиши шаҳарда кичкинтойларни мактабга тайёрлашни 36,1 фоиздан 59,6 фоизга кўтаришни таъминлаб берган. 2001-2002 ўқув йилида мактабга борган 1850 нафар болаларнинг 60 фоизи мактабга тайёрлаш босқичидан ўтган.

Болаларнинг теварак олам, табиат ҳодисалари, жонли ва жонсиз табиат ҳақидаги билимлари даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган тест саволларига 83 фоиз, илк математик тасаввурлари, мантиқий тафаккури ва ҳисоблаш малакаларини аниқлаш учун берилган тест саволларига 80 фоиз, нутқ товушларини тўғри талаффуз қилишлари, сўзлардан жумлалар туза олиш юзасидан берилган тест саволларига 67 фоиз болалар жавоб бердилар.

"Она ва бола" Давлат дастури асосида шаҳар миқёсида "Онажоним, суратингиз чизаман", "Соғлом авлод учун", "Севимли ўйинчоқлар", "Соғломжон-полвонжон", "Она ва бола — гул билан лола", "Йил тарбиячиси", "Қўғирчоқ театрлари" кўрик-танловлари, "Ўзбек тили фестивали", "Дадам, онам ва мен" спорт мусобақалари, "Соғлом авлод ғунчалари" фестивали ташкил этилган.

Мактабгача таълим муассасаларини миллий чолғу асбоблари билан таъминлаш мақсадида 7,5 млн. сўм, юмшоқ жиҳозларни харид қилиш учун 2 млн. сўм, ўйин ва ўйинчоқларни харид қилиш учун эса 3 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилган.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда "Она ва бола" Давлат дастури талаблари асосида мактабгача таълимни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ижобий ишлар қатори ечимини кутаётган долзарб масалалар ҳам мавжуд.

Каттақўрғон халқ таълими бўлимининг "Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича 2000-2005 йилларга мўлжалланган мақсадли истиқбол дастури", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Она ва бола" Давлат дастури ҳамда 2001 йил ўтказилган "Ўқитувчилар конференцияси" тавсиялари асосида жиддий қайта ишланиши ва такомиллаштирилиши зарур. Чунки шаҳар халқ таълим бўлимининг мактабгача таълим муассасалари, айниқса кейинги йилларда ташкил қилинган ноанъанавий мактабгача таълим тизимини бошқариш, услубий жиҳатдан йўналтириб бориш ишлари етарли эмас.

Шаҳар ҳокимияти, давлат ва нодавлат ташкилотлар мактабгача таълимни ривожлантириш ишларига етарли эътибор қаратмаган. Жумладан, ҳанузгача шаҳарда 560 ўринли 2 та боғча ёпиқлигича қолмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 24 июндаги 313-сонли "Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2001 йил 9 мартдаги 119-сонли "2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларининг бажарилиши бўйича етарли чора-тадбирлар белгиланмаган.

Маҳаллий ҳокимлик, тегишли ташкилотлар болаларнинг соғлом, дуркун ўсиши учун зарур бўлган углевод, оқсил ва микроэлементларга бой бўлган маҳсулотларни етказиб беришга эътибор бермаган ҳамда болаларга гўшт, сут, сарёғ, тухум каби маҳсулотлар ўз вақтида етказиб берилмаяпти.

Юқорида баён қилинганларга асосан, вазирлик ҳайъати Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар халқ таълими бўлими томонидан "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда "Она ва бола" Давлат дастури талаблари асосида мактабгача таълимни ривожлантириш ва истиқболларини белгилаш борасида муайян ишлар олиб борилганлигини таъкидлади ҳамда янги педагогик технологияларни таълим мазмунига жорий этиш бўйича "Ўйин — ҳаёт сабоғи" мавзусида мактабгача таълим ходимларининг республика анжуманини ўтказишга келиб олинди.

Кун тартибидаги учинчи масала халқ таълими тизимидаги муассасалар биноларини кузқиш мавсумига тайёрлашнинг аҳволига бағишланди.

Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 27 март "Халқ таълими муассасаларини 2001-2002 ўқув йилига, куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш, таълим жараёнини таъминлаш ишларини такомиллаштириш тўғрисида"ги 49-сонли буйруғи ижросини таъминлаш борасида жойлардаги таълимни бошқарув органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларида таълим муассасаларини янги 2001-2002 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларига раҳбарлик қилиш ва бу жараённи мувофиқлаштириб бориш, юзага келган муаммоларни ҳал қилишда таълим муассасаларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида штаблар ташкил этилган. Таълим муассасаларини капитал таъмирлашга жорий йилда ҳар йилдагига нисбатан кўп маблағ ажратилган.

Жорий йилнинг 26 ноябрига қадар республика бўйича 303 та иситиш қозонхонаси, 18173 та иситиш печкаси, 136004 п.м. ички ва 49175 п.м. ташқи иситиш тизими, 404585 м² том капитал таъмирланди. Бу соҳадаги ишлар деярли 100 фоизга бажарилган. Шунингдек, 2827 та таълим муассасасининг иситиш тизимлари юқори босим остида тозаланди, 138853 м2 синган ойналар алмаштирилди, 218,8 минг тонна кўмир ва 2259 тонна печ ёқилғиси жамғарилган.

Шу билан бир қаторда, ўрганилган Андижон, Жиззах, Навоий, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасида қатор камчиликлар ва нуқсонлар борлиги аниқланди.

Жумладан, Андижон шаҳридаги 4-,50-сонли мактаблар, Избоскан туманидаги 14,-15-мактаблар, Асака туманидаги 26-боғча, 6-29-мактаб биноларининг юмшоқ том қопламаларида ўтказилган таъмирлаш ишлари ниҳоятда сифатсиз бўлиб, бир қават қоплама билан ёпилган, холос. Томларни капитал таъмирлашга етарли миқдорда маблағ ажратилганига қарамай, иш сифатсиз бажарилган.

Балиқчи туманидаги "Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази"-шаҳридаги 5-19-21-мактабларда ички иссиқлик тизимини таъмирлаш ишлари охирига етказилмаган, 5-мактабнинг синган ойналари 40 фоизни ташкил этади.

Жиззах туманидаги 46-мактабда олинган кўмир сифати талабга жавоб берса-да, лекин у ярим очиқ хонада сақланмоқда. Синф хоналарида электр лампочкалари етишмайди. Мактаб спорт зали деразаларининг 60 фоизида ойналар йўқ. Шу тумандаги 40-мактабда қўйилган иситиш печкалари ишчи ҳолатга келтирилмаган. Зарбдор туманидаги 9-мактаб томидан чакка ўтади. Бино томини шифер билан ёпиш учун қурилиш ташкилотига 3 млн. 800 минг сўм пул ўтказилганига қарамай, таъмирлаш ишлари текширилган кунгача бошланмаган.

Фориш тумани таълим муассасаларини капитал таъмирлаш учун жорий йилга 16,9 млн. сўм маблағ ажратиш режалаштирилгани ҳолда, шу йил 15 ноябрь ҳолатига туман ҳокимлиги молия бўлими томонидан 3,8 млн. сўм маблағ ажратилган, холос (22 фоиз). Натижада тумандаги мавжуд 71 та мактабнинг биронтасида ҳам капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмаган. Худди шундай аҳвол Жиззах туманида ҳам мавжуд. Сирдарё вилоятида ҳам куз-қиш мавсумига таълим муассасалари биноларини тайёрлашга етарли эътибор берилмаган.

Масалан, Сайхунобод туманида жорий йилда капитал таъмирлашга 7 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу маблағ 6 та таълим муассасасини таъмирлашга йўналтирилган. Натижада бирорта мактаб талаб даражасида капитал таъмирланмаган. 4-мактаб томини таъмирлашга 1,2 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу умумий ҳажмдаги 3200 м2 жойдан 1248 м² ни таъмирлашга етган холос. Бундай ҳолат Боёвут туманидаги 29-мактабнинг томини таъмирлашда ҳам мавжуд. Таъмирлаш ишлари ҳам ҳеч қандай лойиҳа смета ҳужжатларисиз амалга оширилган.

Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 12-сонли, Сайхунобод туманидаги 15-сонли мактабларда кўмир ёқилғиси етарли жамғарилганига қарамай, сақлаш қоидаларига зид равишда очиқ ҳолда сақланмоқда. Шунингдек, ушбу мактаблардаги 30 фоиз синган ойналар ўрни салафанлар билан ёпилган.

Гулистон туманидаги 1-мактабнинг ташқи иситиш қувурлари ўралмаган. Бунинг оқибатида иссиқликнинг кўп қисми бино ичига эмас, ташқарига сарф қилинишига йўл қўйилмоқда. Бундай аҳволлар Навоий ва Тошкент вилоятларида ҳам кузатилади.

Юқорида келтирилган камчиликларга йўл қўйгани учун ҳайъат мажлисида бир қатор масъул раҳбарларга тегишли чоралар кўриш бўйича кўрсатма берилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича вазифалар белгиланди.

Ҳайъат мажлисини халқ таълими вазири Р.Ҳ.Жўраев олиб борди. Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари иштирок этдилар.

Ж.МУСАЕВ,
ХТВ матбуот билан ишлаш сектори раҳбари

Ҳозирги кунда таълим соҳасида бўлаётган ўзгаришлар академик лицейларда ҳам ўз ижобий натижаларини бермоқда. Академик лицейларда ўқитишнинг янги усулда, яъни замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган ўқув хоналарида олиб борилиши ўқувчию ўқитувчиларни бирдек қувонтирмоқда. Янгийўл академик лицейида ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган хоналарда дарслар олиб борилмоқда. Бу эса академик лицей ўқувчиларининг пухта билим олишларига ҳар томонлама ёрдам бермоқда.

Суратда: академик лицейнинг химия лаборатория хонасида амалий дарс жараёни

ЗАРДУШТИЙ УДУМЛАР

"Авесто"да зардуштийларнинг ранг-баранг удум ва иримлари ҳам ўз ифодасини топган. Уларнинг аксарияти қадимги аждодларимизнинг турмуш тарзи, касб-кори, дафн маросими, ўтганларнинг хотирасига муносабати, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жамоат жойларида ҳамда шахсий покизалик, ҳалолликка риоя қилиш сингари масалалар билан боғлиқ.

Маълумки, Зардуштийлик дини илк пайдо бўлган кезларда эрамиздан олдинги IX-VIII асрлар ўликни дафн этиш ман этилган. Бунда улар "Она ер муқаддас, у барча жонзотнинг боқувчиси, тупроқнинг таркибини бузмаслик керак", деган ақидага риоя қилишган. Шунинг учун ҳар бир қишлоқ, туман, шаҳарларда тоғ ёнбағри ёки баланд тепаликда махсус супалар ясаб, мурдани ўша ерга эл-тиб, бараҳна (яланғоч) тарзда қўйишган. Ўлимтикхўр ҳамда ваҳший ҳайвонлар ўлик гўштларини еб кетгач суякларини йиғиштириб олиб, алоҳида жойда асрашган. Баъзи қавмларда эса мурда қуйдирилиб, кули йиғиштириб олиниб, эъзозлаб сақланган. Жамоаларда аждодлар руҳини авайлаб, суякларнинг баъзи қисмини, кулни сақлаш мақсадида қопқоқли суякдонлар ясашган. Мурда чиққан уйда уч кечакундуз овқат пиширилмаслиги, яъни қозон осиб гўшт қайнатилмаслиги расм бўлган. Бу одат юртимизнинг барча минтақаларида ҳозир ҳам сақланиб қолган. Қўни-қўшнилар азадорларни иссиқ овқат билан таъминлаб туришади.

Зардуштийлар ақидасича, инсон танасидан ажралган ҳар бир узв-қисм мурдор ҳисобланган. Шунинг учун уларнинг инсон назаридан йироқда, яширин бўлмоғи кўзда тутилган. Шу боис одам танасидан олинган соч, тирноқлар кишилар яшайдиган жойдан 50 қадам йироққа мушук ва кучуклар ковлаб олмайдиган чуқурликка кўмиб қўйилиши расм бўлган. Кўмиш жараёнида эса дуо ўқиб туриш талаб қилинган.

Бундан ташқари ўликни ювиш, кафанга олиш, тобутни қабристонга элтиш билан боғлиқ удумлар ҳам "Авесто"-да батафсил баён этилган. Зардуштийлар ақидасича, қор, ёмғир ёғаётган пайтда ўликни қабристонга элтиш ман этилган. Бордию тобут кўтарилиб кетилаётганда қор, ёмғир ёғиб қолса, орқага қайтишга ижозат берилмаган. Оила бошлиғи—ота ёки онанинг ўлигини деразадан ёки уй деворини тешиб олиб чиқиш расм бўлган. Оиланинг бошқа аъзоларининг мурдаси эшикдан олиб чиқилган. Ақидага кўра, хонадон бошлиғи билан бошқа оила аъзоларининг мурдаси бир эшикдан чиқмаслиги лозим экан.

Одатга кўра, ҳар бир зардуштийда маржонга ўхшаган бўйин боғи бўлган. Ҳар бир зардуштий вафотидан сўнг яхшилик билан умр ўтказган бўлса, ана шу боғичлардан ушлаб, фаришталар жаннатга элтар, ёмонлик билан ҳаёт кечирган бўлса, дўзахга судраб борар эмиш. От одамни тепиб ўлдирса, у албатта сўйилган, ит қопса, жабрдийда итни дарахтга боғлаб, калтаклаб аламини олиши лозим бўлган. Аммо ўлдиришга ижозат этилмаган. Ибодат жараёнида, яъни тангри алқови пайтида қоҳиннинг кўзи барсум хивичлари дастасига қаратилиши лозим бўлган.

Қадимги аждодларимиз оила, хонадон покизалигига, шахсий покликка алоҳида эътибор беришган. Шунинг учун одам яшайдиган хонада ювиниш ва чўмилиш қатъий ман этилган, ҳовли бурчагига, эшик олдига ахлат тўплаб қўйган хонадон эгаси, касал тарқатадиган микроблар пайдо қилишга сабабчи сифатида жазоланган. Арик ёки ҳовуз лабига мол боғлаган одам 25 қамчи билан калтакланган, болалар тик туриб нон емаслик, унинг увоғини ерга тўкмасликка одатлантирилган.

Бошқа ҳайвонлар қатори ит "уй посбони", "чорва қўриқчиси" сифатида эъзозланган. Шунинг учун ҳам бир сув кучуги ёки ов тозиси ўлдирилса, ўша юртда қурғоқчилик юз беради, деган фикр ҳукм сурган.

Зардуштийларда эру хотинларнинг бир-бирига хиёнати, зино қаттиқ қораланган. Зинокор эркак ўн тўрт ариққа кўприк солиб бериш билан гуноҳини ювган. Зинокор аёл сувга боқса, сув оқишдан, гиёҳларга боқса, улар ўсишдан қолади, дейилган. Бундай аёл поктийнат эркак билан суҳбатлашса, уни диндан чиқаради ва поклигига раҳна солади, деб тушунилган. Ҳайз кўрган аёллар алоҳида хонада яшаши, ариқ ва ҳовузларга яқинлашмаслиги керак бўлган. Бундан ташқари "Вендидод"да мурдани кафанга олиш, ўлик чиққан уйни қатрон қилиш, унинг либосларини асраш билан боғлиқ кўплаб иримлар мавжуд. Чунончи, мурда олиб ўтилган йўлакдан уч маротаба тўртқўз кучук ўтгандан сўнггина, бу йўлдан одамларнинг юришига рухсат берилган.

Демак, "Авесто"да тилга олинган қадимги аждодларимиз удум ва иримлари эрамиздан бурунги тарихимиз, элшунослигимизнинг баъзи қирраларини ўрганишда олимларимизга қўл келиши мумкин.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

Навоий яратган энг сўнгги асар номини биласизми?

Жарроҳлик йўли билан туғилган янги меҳмоннинг оғирлиги ҳали бу мамлакатда қайд қилинмаган эди: 7,5 кило.

Ma'rifat

ЧАЙНВОРД-КРОССВОРД

(10-синф Ўзбек адабиёти XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср қисми бўйича)

1. Навоий 1498 йили яратган, ўз даврининг шоир ва олимлари ҳақида маълумот берувчи асар. 2. "Лисонут-тайр"даги 30 та қуш. 3. Ишқий фалсафий мавзуда ёзиладиган, шарқ адабиётида энг кенг тарқалган адабий жанр. 4. Мажнуннинг севган ёри. 5. "Хамса"даги бешинчи достон бош қаҳрамони. 6. Ҳусайн Бойқаро асари. 7. "Ҳайратул-аброр"даги ҳикоятлар берилган қисмлар. 8. Бобурнинг машҳур ғазали. 9. "Равзатус-сафо" асарининг муаллифи. 10. Ҳусайн Бойқаро асари. 11. Навоийнинг сўфий шоирлар ҳақида маълумот берувчи асари. 12. "Тарихи мулуки ажам" асари (Навоий)нинг иккинчи номи. 13. Баҳромга Дилоромнинг хабарини етказган инсоннинг ватани. 14. Навоийнинг фақат хатлардан иборат бўлган асари. 15. Давлатшоҳ Самарқандийнинг машҳур асари. 16. Бобур Мирзонинг катта опаси. 17. Аруздаги баҳрлардан бири. 18. Флора Анна Стил асари. 19. Навоийнинг 1476-1483 йилларда яратган девони. 20. Устозларнинг изидан юрувчи, уларнинг йўлини давом эттирувчи, шогирд. 21. Навоийнинг иккинчи достони ("Хамса") бош қаҳрамони. 22. Баҳромнинг севикли ёри (Навоийда). 23. Навоийнинг энг охирги асари. 24. Восифийнинг машҳур асари. 25. "Хазоинул-маоний"даги иккинчи девон. 26. "Сабъаи сайёр"нинг бош қаҳрамони. 27. Хондамирнинг Навоийга бағишлаб ёзган асари. 28. "Бўлак" маъносини англатувчи кичик жанр. 29. Ҳожа... Валий. 30. Навоийнинг Жомийга таърифи — "Нуран...". 31. Бобурга оталиқлик қилган беклардан бири. 32. "Бобурнома"ни французчага таржима қилган олим. 33. Навоийнинг Ф.Аттор асаридан таъсирланиб ёзган асари. 34. Мирхонднинг машҳур асари. 35. Ажам шоҳлари ҳақида маълумот берувчи асар (Навоий). 36. "Сабъаи-сайёр"даги тўртинчи ҳикоя бош қаҳрамони. 37. Топишмоқ, чистон жанри. 38. 1500 йилдаги Самарқанд шоҳи Султон Али Мирзонинг хиёнаткор онаси. 39. Силсилали ғазал тури. 40. Саъдийнинг машҳур асари. 41. "Лайли ва Мажнун"да Мажнунга ўз қизини беришга рози бўлган саховатли шахс. 42. Беқайд мену хароби сийм эрмасмен, ҳам мол йиғиштирур...эрмасмен (Бобур). 43. Хадичабегим ва Низомулмулк фитналари билан ўлдирилган 13 ёшли шаҳзода, Навоийнинг севимли шогирди. 44. Деҳлавий "Хамса"сининг бешинчи достони. 45. Шарқ адабиётида тирилтирувчи маъносини берувчи сўз. 46. "Оразин ёбқоч" ғазали (Навоий)га юксак таъриф берган шоир. 47. Навоий ўқиган шаҳар. 48. Навоий билан доим баҳслашиб юрувчи форсигўй шоир. 49. Навоийнинг саройдаги 1469-1472 йиллардаги вазифаси. 50. Навоийнинг шогирди Ҳусайн Воиз... 51. "Рисолайи муаммо"нинг иккинчи номи. 52. Ширинни Хусравнинг хотини бўлганлиги ҳақидаги маълумотни берган тарихчи (X аср). 53. Мўмин Мирзони асир олган шоҳ. 54. XIV асрда "Лайли ва Мажнун"ни ёзган туркий шоир. 55. "Фарҳод ва Ширин"да Арманистон шоҳи. 56. XV асрнинг 1-ярмида фаолият кўрсатган туркигўй шоир. 57. Бобурнинг тоғаси. 58. Ҳусайн Бойқаронинг тахаллуси. 59. Саройда Навоийга фитна уюштирган беклардан бири. 60. Фаридиддин Атторнинг машҳур асари. 61. Тўрт мисрадан иборат, ҳазаж бақрининг ахрам ва аҳраб шажаларида ёзиладиган шеър. 62. "Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган" деган сўзларни ким айтган? 63. "Шоҳнома"нинг муаллифи. 64. Андижонлик буюк шоҳ ва шоир. 65. Бобурнинг Ҳусайн Бойқарога таърифи. 66. Алишер Навоий туғилган шаҳар. 67. Шайбонийхон асари. 68. Шайбонийхоннинг отаси. 69. Қадди букилган ошиқ тимсоли бўлган ҳарф. 70. Фирдавсийда Баҳром севган ёр. 71. Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога таърифи: шоҳ... 72. Тариқатда устоз. 73. Низомийнинг "Искандарнома" достони биринчи қисми. 74. Алишер Навоийнинг болаликдан дўсти, шоҳ ва шоир. 75. "Бадоеъулвақое" асарининг муаллифи. 76. "Хамса" ёзиш анъанасини бошлаб берган шоир. 77. Шайбонийхон туюғида таърифланган сўз. 78. Бобур ҳақида роман ёзган ўзбек ёзувчиси. 79. Алишер Навойининг тоғаси. 80. 1500 йилда Самарқанд шоҳи. 81. XIX асрда "Шоҳ Баҳром ва Дилором" асарини ёзган шоир. 82. Алишер Навоий қурдирган мадраса. 83. "Ҳаттотлар султони". 84. «Бобурнома»ни голланд тилига таржима қилган шахс. 85. Алишер Навоийнинг тоғаси — Мир Саид... 86. "Фарҳод ва Ширин" даги Фарҳодга тош йўнишни ўргатган устоз. 87. Алишер Навоий қурдирган хонақоҳлардан бири. 88. Навоий қурдирган мадраса. 89. Алишер Навоийнинг шоҳ асари. 90. Фарҳод Жамшиднинг ...ига эришади. 91. Ёрнинг гажаклари таъриф этиладиган ҳарф. 92. Баҳромнинг лақаби. 93. Навоий асарларидан бирида таърифланишича, турклар Ёфасдан тарқаган, Ёфас кимнинг ўғли эди. 94. "Садди Искандарий"да Искандарнинг устози. 95. Бобур ва бобурийлар ҳақида 6 та роман ёзган ҳиндистонлик адиб. 96. Навоийнинг форсий шеърларига қўювчи таҳаллуси. 97. Навоийнинг устози, хамсанавис форс шоири. 98. Фарҳоднинг севгилиси. 99. 200 минглик қўшинни 12 минг қўшин билан енгган (Бобур). У ким эди. 100. Бобур 1503 йили эгаллаган шаҳар. 101. "Мантиқут-тайр"нинг муаллифи. 102. Шайх Нажмиддин... 103. Фарҳоднинг рассом дўсти. 104. Фарҳодга нақкошликни ўргатган устози. 105. "Лисонут-тайр"да қушларни семурғ сари олиб борган қуш. 106. "Фарҳод ва Ширин"да Ажам шоҳи. 107. "Музаккири аҳбоб" тазкираси муаллифи. 108. Фарҳодга меъморликдан таълим берган устози. 109. А.Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога бағишлаб ёзган қасидаси. 110. "Зижи жадиди Кўрагоний" асарининг муаллифи. 111. "Фарҳод ва Ширин"да Фарҳодга тилсимларнинг ечиш йўлини ўргатган аллома. 112. Шарқ шеъриятида маърифат, Оллоҳга етишиш тимсоли. 113. Алишер Навоий Яздий билан учрашган чўл. 114. XV асрнинг машҳур саньаткори. 115. "Макоримул-ахлоқ" асари муаллифи. 116. Санам, маъшуқа (тасаввуфда). 117. »Қиссаи ҳафт манзар Баҳром» асари муаллифи. 118. Бобур тоғасининг исми. 119. Қалб, юрак, энг пок бўлмоғи лозим бўлган аъзо (тасаввуфда). 120. Алишер Навоийнинг отасининг исми. 121. Бобур эгаллаган сехрли юрт. 122. Бобурнинг ўғли. 123. Бобурнинг укаси. 124. Падаркуш, Улуғбекнинг қотили. 125. Шайбонийхоннинг Нажмиддин Куброга бағишлаб ёзган қасидаси. 126. А.Навоийнинг Лутфийга берган таърифи. 127. «Сабъаи сайёр»даги иккинчи ҳикоя бош қаҳрамони. 128. Ҳусайн Бойқаронинг ўғли. 129. Навоийнинг аруз вазни ҳақидаги асари. 130. А.Навоий Машҳадда танишган аллома. 131. Хусрав Деҳлавий "Ҳамса"сининг 1-достони. 132. Ҳиндистонлик хамсанавис шоир. 133. Низомий "Хамса"сининг 1-достони. 134. Зафарнома муаллифи. 135. Достон бошида пайғамбарга айтиладиган салот. 136. "Фарҳоднома" асарини ёзган озарбайжонлик шоир. 137. Муҳаммад Солиҳнинг отаси. 138. "Лайли ва Мажнун" қиссаси ҳақида маълумот берувчи араб тарихчиси. 139. ...Мир Алишер Навоий. 140. Навоийнинг форсий девони. 141. Навоийнинг фақатгина рубойилардан иборат асари. 142. Навоий таржима қилган ҳазрати Алининг асари. 143. "Сабъаи сайёр"нинг 4-ҳикояси бош қаҳрамони. 144. "Фарҳод ва Ширин"да Шопурнинг касби. 145. Бобур Мирзонинг катта бобоси, Амир Темурнинг ўғли. 146. Аруз вазнидаги баҳр. 147. "Сабъаи сайёр"даги 1-ҳикоя бош қаҳрамони. 148. 1911 йилда «Лайли ва Мажнун» асарини ёзган рус шоири. 149. Навоийнинг вақф ишлари ҳақидаги асари. 150. "Сабъаи сайёр"даги биринчи ҳикоя қаҳрамони. 151. Ёзувчи... Аҳмад Югнакий. 152. "Фарҳод ва Ширин"даги Монийнинг касби. 154. Бобурнинг синглиси. 155. Икки мисрадан иборат шеър, (а-а, б-б, в-в). 156. Иккинчи ҳикоядаги («Сабъаи сайёр») Зайднинг касби. 157. Лондонда "Бобурнома"ни нашр эттирган шахс. 158. Омоним сўзларни қўллаш санъати. 159. Бобур уч марта эгаллаган шаҳар. 160. Поэманинг ўзбекчаси. 161. Ёрнинг қошига ўхшатиладиган ҳарф. 162. Хоразмий (номсиз) асос солган жанр. 163. Саййид Ҳасан... 164. "Лисонут-тайр"даги водийлардан бири. 165. Ю.Амирий асари: "Чоғир ва ..." 166. "Фарғоналик мард, нозик дид Бобур..." Ушбу таъриф кимга тегишли? 167. Низомий "Искандарнома"сининг иккинчи қисми. 168. Рустам 6-саргузаштида енгган дев ("Шоҳнома") 169. Бобур ва унинг авлодлари ҳамда буюк мўғуллар империяси асари муаллифи. 170. Қозонда "Бобурнома"ни нашр эттирган шахс. 171. Навоийнинг панд-насиҳат мавзуидаги асари. 172. Ошиқ маъшуқанинг нимаси бўлишни орзу қилган? (Тасаввуфий ғазалларда). 173. Навоийнинг ҳарбий соҳадаги асари. 174. "Бобур — дилбар шахс". Ушбу фикр муаллифи. 175. Муҳаммад Солиҳнинг машҳур асари. 176. Бобур туғилган шаҳар. 177. Шеърият. 178. Бобурнинг арузга бағишланган асари. 179. Навоийнинг муаммо жанрига бағишланган асари. 180. Бобурнинг набираси, "Ҳумоюннома" асари муаллифи. 181. Бобурнинг Ҳумоюнга бағишлаб ёзган асари. 182. Жомийнинг сўфий шоирлар ҳақидаги асари. 183. "Бобурнома"ни русчага таржима қилган шахс. 184. Шеъриятда хокисорлик рамзи. 185. Аруз вазнидаги баҳр. 186. Навоийнинг Жомийга бағишлаб ёзган асари. 187. Навоийга қарши фитна уюштирган бек. 188. "Хамир этиб яна ул тоғда ...кан қилғил (Навоий). 189. Навоий қурдирган мадраса. 190. Навоийнинг тилшунослик ҳақидаги асари.



ВЕНГЕРЧА КРОССВОРД

1. Шарофиддин Али Яздий асари.(9). 2. Навоий "шамсул миллат" деб таърифлаган аллома (16). 3. Навоий Паҳлавон Муҳаммадни қандай таърифлаган (12). 4. Низомий "Хамса"сининг номи (8). 5. "Ғазал мулкининг султони (6). 6. Форс ғазалчилигининг энг машҳур намоёндаси (5). 7. "Лисонут-тайр"да ривоят қилинишича мусиқанинг кашф этилишига сабаб бўлган қуш (6). 8. Бобур Мирзонинг синглиси (5). 9. Навоийнинг отаси ҳокимлик қилган шаҳар (8). 10. Навоий ҳикоятларида тасвирланишича, тарсо қизига ошиқ бўлиб, динидан воз кечган шайх (6). 11. Навоийнинг Самарқанддаги устози (8). 12. Навоийга ёрдам берган Самар-қанд ҳокими (7). 13. "Хазоинул-маоний"нинг биринчи девони (14). 14. Навоийнинг луғатшуносликка бағишланган асари (12). 15. Кичик лирик жанр (4). 16. Жинос санъатига асосланган жанр (4). 17. Навоийни "ғазал мулкининг султони" дея атаган ўзбек адиби (8). 18. Низомий "Маҳзанул-асрор" асарини кимга атаб ёзган (9). 19. Бобур Мирзонинг катта бобоси, саркарда (5). 20. "Пароканда" ғазалнинг зиди (6). 21. "Хазоинул-маоний"нинг 4-девони (13). 22. Баҳромнинг отаси ("Шоҳнома"да) (9). 23. Бобур Мирзонинг амакиси (11). 24. Низомийга "Лайли ва Мажнун" ҳақида достон ёзишни топширган шоҳ (7). 25. Фирдавсийнинг шоҳ асари (7). 26. Деҳлавий "Хамса"сининг тўртинчи достони (10). 27. Низомий "Хамса"сининг тўртинчи достони (10). 28. "Лайли ва Мажнун"да Лайлини кимга беришмоқчи бўлишади (8). 29. Искандарнинг лақаби (10). 30. Амир Темурнинг ўғли (13). 31. Мажнуннинг асл исми (4). 32. Навоий асарларидаги тоғ номи (3). 33. "Бобурнома"нинг дастлабки аталиши (7). 34. Ўзбек адабиётининг асосчиси (6).

Тузувчи:
Давронбек ТОЖИАЛИЕВ,
талаба

Xullas...

ДАРАХТДА, ҚУШЛАР ОРАСИДА ЯШАЁТГАН ГАРНЕРЛАР

Энг яхшиси дарахтда яшаш! Тоза ҳаво, қушларнинг чуғир-чуғури, кўзни яшнатувчи ям-яшил япроқлар. Бир сўз билан айтганда, бу ҳаёт эмас, лирика!

Англиялик жаноб Дэн Гарнернинг миясига келган гоя дарахтзор устига қурилган бир нечта бўлмалик уйни қуриш билан якун топди. Энди у узининг ерга қурилган уй -жойини деярли унутди.

Ёғочдан қурилган бошпанани дарахтлар устига жойлаштириш аслида осон бўлгани йўқ. Турт томондан уйни ушлаб турадиган таянч топиш керак бўлди. Мияни ишлатсанг, ғўрадан ҳалво битар экан. Ёки қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деган мақолни эсланг.

Дэн Гарнер қурган уй шинам, ёруғ. Меҳмонхона, ётоқхона, ошхона, иккита айвон. Хонадон аъзолари дам олиш куни ширинлик билан чой ичишни ана шу айвонда ташкил қиляптилар.

Табиат қўйнидаги уй ҳозирча Англияда ягона.

ЎҒРИЛАРДАН АСРОВЧИ СТУЛ

Франция ресторанларига ташриф буюрадиган хонимларнинг ўзлари сингари сумкалари ҳам ажойибу ғаройиб. Бу сумкаларда ўгирланадиган нарсалар анча, дейлик, пул, тақинчоқ, квартира калити, мобил телефони, кредит карточкаси ва ҳоказо.

Ўғри халқи устамон, хонимларнинг кўзини шамғалат қилиб, қўлига илинган нарсани умаради. Оҳ-воҳ қилишнинг фойдаси йўқ.

Мамлакат дизайнерлари томонидан яратилган стул ана шундай ўгирликларнинг олдини олишга мўлжалланган. Эндиликда ресторанларда шу стул туфайли ўгирликлар содир этилмаяпти.

Бу стул қандай кўринишда экан, дерсиз. Хонимлар ва жаноблар ўтирадиган стулнинг тагида сумка иладаган илгак бор. Оёқ сумкага тегиб туради.

Францияда ўгриларнинг шўрига шўрва тукилди...

ОНАСИГА ҚАРАБ БОЛАСИ

23 ёшли мисрлик аёлнинг вазни 118 кило. У биринчи фарзанд кўриш арафасида эди. Шифокорлар тўлғоқ азоби билан келган бу жувоннинг эсон-омон кўзи ёришига шубҳа билдиришди. Биринчидан, ортиқча вазн, иккинчидан, онасидан "нусха" олган каби ҳомила ҳам жуда катта эди.

Жарроҳлик йўли билан туғилган янги меҳмоннинг оғирлиги ҳали бу мамлакатда қайд қилинмаган эди: 7,5 кило. Бола бундай вазнга аслида туғилгандан сўнг 6-7 ойлигида эришади.

Туғруқхонада она ва бола алоҳида парвариш қилинмоқда. Онасини мушкулликка қўйиб, ёруғ дунёга келган боланинг умри узоқ бўлсин!

ana shunaqa gaplar

Акмал Икромов тумани ҳокимияти томонидан 2000 йилда Исломов Шавкат Абдуҳакимович номига берилган 0111745 рақамли хусусий тадбиркор гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Акмал Икромов тумани ҳокимияти томонидан Арипова Матлуба Абдуманноповна номига берилган 0110666 рақамли чакана савдо учун берилган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги коллежи раҳбарияти ва жамоаси коллеж директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Рузимат Анарметовга турмуш ўртоғи
Шоҳида АНАРМЕТОВАнинг бевақт вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Sport maydonchasi

"РЕАЛ" ЮЛДУЗЛАРГА «ТЎЙМАЯПТИ»

Италиянинг "Tutto sport" газетасининг хабар қилишича, Мадриднинг "Реал" клуби, "Милан" ҳужумчиси Андрей Шевченко учун 90 миллион доллар таклиф қилган. Бироқ бу савдо амалга ошадимийўқми, ҳозирча номаълум. Буни эса миланликлар президенти ва Италия ҳукумати раҳбари ҳал қилади.

Шевченкони сотиш-сотмаслик яқин кунларда аниқ бўлади.

ПАВЕЛ САДИРИН ҲАЁТДАН КЎЗ ЮМДИ

Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда "Зенит", ЦСКА клублари ва Россия миллий термасининг собиқ бош мураббийи Павел Садирин 60 ёшида хасталикдан вафот этди. У бетоблиги учун 2 ой олдин Москванинг ЦСКА жамоаси устозлигидан истеъфога чиққанди.

Машҳур устоз бошчилигида "Зенит" 1984 йилги мавсумда ўз тарихида биринчи марта собиқ СССР чемпиони бўлганди. Бу мукофотга ЦСКА жамоаси эса 1991 йили сазовор бўлганди.

ЖЧ—2002: ПОЛИЦИЯЧИ ҚИЗЛАР ТАРТИБ ЎРНАТАДИ

Айрим хабарларга қараганда, жаҳон чемпионати пайтида кореялик полициячи қизлар футбол безорилигига қарши курашмоқчи. Аниқроғи, ўйинлар давомида трибуналлардаги тартибни ўрнатиш шарқона кураш усулларини ўзлаштирган аёл полициячиларга топширилади. Бу қанчалик ўзини оқлашини фақат ЖЧ—2002 да кузатамиз, холос.

ЧОРАК ФИНАЛ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Москвада шахмат бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатида чорак финал ғолиблари аниқланди. Бунда россияликлар ичида якка қолган Александр Костенюк молдавиялик Элмир Скрепчен билан дуранг ўйнади. Бу турнирда эркаклар ўртасида россияликлардан фақат Евгений Барив эстониялик Яна Эльвисни мағлуб қилиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

ЖЧ—2002 ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Ўтган ҳафта Пусан шаҳрида ЖЧ—2002 га қуръа ташланди. Унда ғолиб жамоалар қуйидаги гуруҳларга бўлинди. "А" гуруҳи — Франция, Синегал, Уругвай, Дания; "В" гуруҳи — Испания, Славения, Парагвай, ЖАР; "С" гуруҳи — Бразилия, Туркия, Хитой, Косто-Рика; "D" гуруҳи — Жанубий Қурия, Польша, АҚШ, Португалия; "Е" гуруҳи — Германия, С.Арабистон, Ирландия, Камерон; "F" гуруҳи — Аргентина, Нигерия, Англия, Швеция; "G" гуруҳи — Италия, Эквадор, Хорватия, Мексика; "Н" гуруҳи — Япония, Бельгия, Россия, Тунис.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ
Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Дилбар ХЎЖАЕВА,
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-3117. Тиражи 14527.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.